



«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ - КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ИСТИҚБОЛИМИЗ ПОЙДЕВОРИ»

Нышанова Назокат Махмуджановна

Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани

«Жылўан жас» маҳалласи ёшлар етакчиси

Аннотация: «Ёшлар дафтари»—маълумотлар базаси бўлиб, унда ёшларимизни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш борасидаги амалиётлар бажарилаби. Ушбу мақолада ёшларни «Ёшлар дафтари»га киритиш усуллари, унда олиши мумкин бўлган ёрдам турлари ва қачон қандай вазиятда «Ёшлар дафтари»дан чиқаралиш мумкинлиги ўрганилади.

Калит сўзлар: Ёшлар дафтари, yoshlardaftari.uz сайти, 1093 қисқа рақами орқали ариза қолдириш.

Мамлакатимизнинг келажаги бўлмиш ёшларимизни ҳар томонлама етук, билимли, салоҳиятли шахс, комил инсон сифатида тарбиялаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига ёрдамлашиш масаласига бугунги кунда ҳам ўзига хос тарзда, замонавий усуллар асосида ёндашилмоқда. Уларнинг барча ҳуқуқ ва еркинликлари, имконият ва манфаатларини ҳимоя қилишда ташкилий-ҳуқуқий асослар замон билан ҳамнафас такомиллашиб бормоқда. Ахир, юртимиз бахтиёр ёшлар мамлакати бўлиб, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 64 фоизини ёшлар, яни- 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Албатта бу, давлатимиз зиммасига улкан маъсулият юклашини кўз олдимизга келтирсак, жуда катта эътибор, ғамхўрликни талаб этади, иккинчи томондан ёшларимизга кўрсатиладиган эътибор, эртага улкан ютуқ ва натижаларини ҳам беради. Чунки ҳозир Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг ярмидан- кўпи ёшлардир. Зеро, ёшларимизга кўрсатилаётган кўмак ва ғамхўрлик, эътиборнинг ифодасидир.

«Ёшлар дафтари»—маълумотлар базасининг ишлаш тизими:

Бунинг далили сифатида, 2022 йил 7 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан қабул қилинган «Ёшларимизни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб



ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш мақсадида ташкил этилган «Ёшлар дафтари» — маълумотлар базасини мисол қилсак бўлади. “Ёшлар дафтари”га қонунчиликда белгилаб қўйилган 14 ёшга кирган ва 30 ёшдан ошмаган ёш фуқаролар киритилади. Базага киритишда алоҳида ишлаб чиқилган тоифалар бор, булар: ишсиз ёшлар, ногиронлиги бор ёшлар, профилактик назоратда турувчи ёшлар, касб-хунар ва илм ўрганишга иштиёқи юқори бўлган, боқувчисини йўқотган ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, тиббий, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар киритилади. “Ёшлар дафтари”га 3 та йўналишда ариза бериш мумкин. Биринчи йўли — маҳаллалардаги ёшлар етакчиларига боғланиб, ариза қолдиради. Иккинчи йўл — yoshlardaftari.uz сайти орқали ариза бериш. Учинчи йўл — 1093 қисқа рақами орқали ариза қолдириш мумкин. Бу аризаларни маҳалладаги ёшлар етакчилари 5 иш куни ичида ўрганиб, тавсия бериши ё рад этиши керак бўлади. “Ёшлар дафтари”да 25 турдаги ёрдамлар мавжуд. Ҳар бир йўналиш бўйича фуқарога бериладиган ёрдам ҳақида, тасдиқлангани тўғрисида алоҳида смс хабарномалар юборилади. Бу хабарнома тизими шаффофликни таъминлаш учун.

Яратилаётган имкониятлардан ёшлар қай даражада фойдаланаётганлиги ҳақида:

Ёшлар дафтар тизими яратилгандан буён бу тизимга Кегейли тумани Жылўан жап маҳалласи бўйича 292 ёшлар киритилган. Уларга ёрдам кўрсатиш учун жамғармалардан эса маблағлар ажратилган. 2024 йил мобайнида олимпиада, танлов ва мусобақаларнинг босқичларида қатнашиш харажатларини қоплаш 1 нафар, фуқаролик паспорти бадалини қоплаш 1 нафар, субсидия ажратиш 7 нафар, тўлов-контракт тўлаб бериш 12 нафар, Даволаниш харажатлари ажратиш 9 нафар, келажак касблари харажатларини қоплаш бўйича 4 нафар, бир марталик моддий ёрдам 8 нафар ва бошқа ёрдам бўйича 4 нафар жами 46 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандларига кўмалашишга эришилди.

Ёшлар билан ишлаш ҳаёт-мамонт масаласидир. Шунинг учун мамлакатимизда ёшларни баркамол этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзандларимизни бугунги таҳликали даврда турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг фикрларини бировлар эгалламасдан туриб, уларга ўзимиз ғамхўрлик ва тўғри йўл кўрсатишимиз зарур.



Ўзбекистоннинг барча ёшларига, шу жумладан, ёшларнинг фаол бўлмаган қатламини жамиятга қайтариш бўйича катта имкониятлардан бири бўлди.

Жумладан, эндиликда, ёшлар билан индивидуал ишлашни жадаллаштириш, жамиятдан ажраб қолган, ҳаётда ўз ўрнини тополмаётган, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган ёшларни фаол ҳаётга қайтариш олдимиздаги энг муҳим вазифа бўлиб турибди.

Хулоса: Белгиланган йўналишлардан келиб чиқиб, фаолият юритаётган маҳаллам ҳудудидаги бандлиги таъминланмаган давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож ёшлар билан алоҳида иш ташкил этиб, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлашни режа қилиб олдим. Шунингдек, маҳалладаги ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ва ватанпарварлик руҳидаги тadbирлар, ёшлар сайллари ташкил этиш бўйича янги дастур ишлаб чиқдим.

Ёшлар масаласидаги олдимизга қўйилган вазифаларни ўз вақтида, сифатли бажариш орқали ислохотлар самарадорлиги натижасини ҳар бир ёшнинг ҳаётида кўрсатишимиз мумкин бўлади. Бу билан ёшларнинг давлатимиз томонидан қилинаётган ғамхўрликларни ҳис қилишига ва фаол ҳаётга кириб боришига эришамиз.

Ҳар бир ота-она, ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалла, бугунги кунда фарзандларимиз таълим-тарбиясини энг асосий вазифа сифатида билиб, ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш, миллат ва давлат тараққиётини дунё ҳамжамиятига кўрсатишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаши ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, инсон ҳаёти одоб-ахлоқ, таълим-тарбия билан бевосита боғлиқ.

Унутманг, янги Ўзбекистон ёшлари - келажагимиз ва истиқболимиз пойдевори.

Фойдаланилган маънбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сон
2. Uzbekistan2030.uz сайти
3. www.yoshlardaftari.uz сайти
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.06.2022 йилдаги 312-сон